
Риштон тумани ИИБга янги раҳбар тайинланди

Риштон тумани ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаб келган подполковник Ғофуров Зиёхидин Неъматжонович бошқа ишга ўтганлиги сабабли вазифасидан озод қилинди. Унинг ўрнига Риштон тумани ИИБ бошлиғи лавозимида подполковник Ташпўлатов Ҳожиакбар Маматғозиевич тайинланди. Туман ИИБ биносида бўлиб ўтган таништирув маросимида Вилоят ИИБ бошлиғи Жўраев Муҳиддин Уткирович, туман сектор раҳбарлари иштирок этишди. Маросимда 2018 йилдан буён Риштон тумани ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаб келган подполковник Ғофуров Зиёхиддин Неъматовичга самарали меҳнати учун миннатдорчилик билдирилиб, тантанали равишда кузатиб қўйилди. Шунингдек, Риштон тумани ИИБ бошлиғи лавозимида тайинланган Ташпўлатов Ҳожиакбар Маматғозиевич таништирилди. Подполковник Ташпўлатов Ҳожиакбар Маматғозиевич 1981 йилда Фарғона вилояти Бағдод туманида туғилган, миллати ўзбек, оилали икки нафар фарзанди бор. Маълумоти олий, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясини тамомлаган, маълумоти бўйича мутахассислиги ҳуқуқшунос.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ 2000-2004 йй. - Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

тингловчиси 2004-2007 йй. - Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ИИБ тергов бўлими

терговчиси 2007-2008 йй. - Фарғона вилояти ИИБ тергов бошқармаси терговчиси 2008-2011 йй. -

Фарғона вилояти Бувайда тумани ИИБ тергов бўлими бошлиғи 2011-2011 йй. май август -

Фарғона вилояти ИИБ ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи ўринбосари 2011-2012 йй. -

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Олий академик курси тингловчиси 2012-2017 йй. -

Фарғона вилояти ИИБ Ахборот маркази бошлиғи 2017-2018 йй. - Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қайта тайёрлаш курси

тингловчиси 2018-2018 йй. февраль апрель - Фарғона вилояти ИИБ Ахборот маркази бошлиғи 2018

-2022 йй. - Фарғона вилояти Ёзёвон тумани ИИБ бошлиғи 2022 йил 26 март кунидан Фарғона

вилояти Риштон тумани ИИБ бошлиғи лавозимида тайинланди.

Маълумот учун: Фарғона вилояти ИИБ Иккинчи минтақавий ҳудуд Риштон тумани ички ишлар

бўлими бошлиғи подполковник Ғофуров Зиёхидин Неъматжонович Фарғона вилояти ИИБ

бошлиғининг Биринчи минтақавий ҳудуд бўйича вакили минтақавий мувофиқлаштириш маркази

бошлиғи лавозимида тайинланди.

2022-03-28 08:59:23